



МАКТАБШУНОСЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ирисбоева Х.Ў.

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент
“Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейи
она тили ва адабиёти фани бош ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: терминология, тенденция, мактабшунослик, ривожланиш, янги дидактик терминларни тизимлаштириш, дидактиканинг янги терминологияси таълим назариясидаги янги йўналишлар, замонавий дидактик терминологияни шаклланиши.

Ключевые слова: терминология, направление, схоластика, разработка, систематизация новых дидактических терминов, новая дидактическая терминология, новые тенденции в теории образования, формирование современной дидактической терминологии.

Key words: terminology, direction, scholasticism, development, systematization of new didactic terms, new didactic terminology, new trends in the theory of education, formation of modern didactic terminology.

Резюме:

Ушбу мақолада мактабшунослик терминологияси ривожланиши, кенг педагогик контекстни тадқиқ қилиш ва янги терминларни инвентаризациялаш дидактика ва мактабшунослик терминлари таркибини жиддий юксалиши, таълим назарияси ва амалиёти, дидактика ва мактабшунослик янги терминлари мазмунининг ривожини, педагогиканинг базавий категориялари мазмунини ўзгариши, халқаро таълим ресурслари таъсирида замонавий дидактик терминологияни шаклланиши, мактабшунослик терминологияси кенгайтишининг асосий манбалари мактабни бошқариш ва таълимни бошқариш муаммоларини замонавий тадқиқ қилишдан, бошқаришининг умумий назарияси ва чет эл менежмент назарияси терминологиясидан, педагогика фанлар терминологияси ҳақида сўз боради.

Резюме:

В данной статье осуществляется развитие терминологии школоведения, исследование широкого педагогического контекста и инвентаря новых терминов, серьезное увеличение состава терминов дидактики и школоведения, разработка содержания новых условия дидактики и школоведения, теория и практика образования, изменение содержания основных категорий педагогики, формирование современной дидактической терминологии под влиянием международных образовательных ресурсов, основные источники расширения терминологии школьная наука – это современные исследования проблем школьного управления и управления образованием, общая теория управления и терминология зарубежной теории управления, терминология педагогических наук.

Summary:

This article develops the terminology of school studies, studies the broad pedagogical context and inventory of new terms, significantly increases the composition of terms of didactics and school studies, develops the content of new conditions of didactics and school studies, theory and



practice of education, changes the content of the main categories of pedagogy, the formation of modern didactic terminology under the influence of international educational resources, the main sources of expansion of the terminology of school science are modern studies of problems of school management and education management, general theory of management and terminology of foreign theory of management, terminology of pedagogical sciences.

Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш даврига хос бошқаришни умумий назариясини ривож и ҳам педагогика термин тизимини янги терминлар билан бойитди.

Кенг педагогик контекстни тадқиқ қилиш ва янги терминларни инвентаризациялаш дидактика ва мактабшунослик терминлари таркибини жиддий юксалишини таъминлайди. Улардан катта қисми таълим назарияси ва амалиёти, дидактика ва мактабшунослик янги терминларини ифодалайди. XX аср 90 йилларида дидактика терминлари маъносини мазмунининг ривож и умуман характерли жараён эмас, аммо асосий терминлар «ўқитиш методи, ўқитиш формаси) дефинициялари илгаридегидек қайта кўриб чиқишга, тасдиқлашга, типологик характерга муҳтож.

Шу нарса аёнки, нафақат педагогика фанининг барча термин тизимлари учун ривожланишни умумий факторлари, балки специфик факторлари (мактаб ислоҳати бўйича қонун) ғояларини жалб қилиниши ва келгусида ривож и, педагогиканинг базавий категориялари мазмунини ўзгариши, халқаро таълим ресурслари) таъсирида замонавий дидактик терминологияни шаклланиши амалга ошди.

Дидактик терминологияни ривожига замонавий жамият ҳаётининг форматизациялаш ва компьютерлаштиришни таъсири айниқса кучли бўлди. Информатизация ва компьютеризация инорфмацион технологиялар таълим соҳасида кенг қўлланилишини тақоза қилади.

Янги дидактик терминларни тизимлаштириш, дидактиканинг янги терминологияси таълим назариясидаги янги йўналишларни ва амалий таълим фаолияти янги формаларини, ўқитиш жараёнини ташкил қилишдаги ва ўқитишни янги методларини ўзлаштиришдаги ўзгаришларни ифодалайди.

Бутун таълим тизимини модернизациялаш таълим тизимини ташкил қилиш талабларига мос ҳолда ўқув-тарбия муассасаларини бошқариш тизимида ўзгариш киритиш зарурлигини тақоза қилади. Кўриб ўтилаган даврда бошқариш назарияси жадал ривожланиш ва янгиланишни бошидан кечирмоқда, педагогик ички ва ташқи сабабларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: жамиятда ислоҳатларни амалга ошириш, бозор муносабатларига ўтиш, бошқаришни авторитар методларини танқид қилиш,



илгарида номаълум бўлган чет эл илмий информацияларни қайта фикрлаш ва уни ижодий қайта ишлаш зарур.

Термин тизимини чет эл терминологиялари билан мос ҳолда интернационаллаш ва гармонизациялашга интилиш дидкатик терминология учун хосдир.

Дидактиканинг термин тизимининг ривожини, ўзига хос белгиси авторлик терминларни киритишдан иборат бўлиб, улардан кўпчилиги аниқлик, дефинитивлилик, нормативлилик талабларига жавоб бермайди. Бу термин яратиш персонификациясига дидактик термин тизимининг ривожланиш йўллари билан биттаси сифатида кўрсатади, лекин тадқиқотчиларни танлаб олишга ва авторлар томонидан янги терминларни яратишга талабчанликни пасайиши терминологияни тартиблаштириш ва стандартлаштиришни чуқурлаштиради.

Специализациялашга учраган техник терминлар ва интернет-терминлар ҳисобидан янги педагогик номенклатура ва дидактик терминларни оқими ортди. Тематик терминлар гуруҳи янги дидактик терминларда дидактиканинг ривожини янги даражасига чиқиши ифодаланиб, у информатика ва педагогика ғояларини ўқитиш жараёнида интегралланиши билан характерланади.

Мақтабшунослик терминологиясини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, таълим тизимидаги бошқариш вазифаларининг ўзгариши таълим тизимини бошқариш ва ички мактаб бошқариш назариясининг ривожига бевосита ўз ифодасини топди. Мақтабшунослик терминологияси кенгайишининг асосий манбалари мактабни бошқариш ва таълимни бошқариш муаммоларини замонавий тадқиқ қилишдан, бошқаришининг умумий назарияси ва чет эл менежмент назарияси терминологиясидан, педагогика фанлар терминологиясидан иборат бўлди. Таркибини чет тил ўзлаштира терминлари ҳисобидан кенгайиш тенденцияси ва кўп компонентли терминологик ибораларни педагогиканинг таянч компонентлари ва педагогиканинг аънавий терминларининг шаклланиш тенденцияси шу терминологик тизимнинг ривожига хосдир.

Бир нечта предметлик-тематик гуруҳларнинг шаклланишини фаоллашини аниқлади, менежмент терминини педагогик терминологияга киритиш қатор ўзлаштира терминларни педагогик терминологияга асоссиз кириб келиш учун шароит яратади. Бошқарув фаолияти ижтимоий-психологик аспектларини ишлаб чиқиш ва ўрганишни ташкил қилиш маданияти термини билан бирлашган терминологик гуруҳни шаклланишини стимуллаштиради.



Номенклатура динамикасини спецификацияси шундан иборатки, еттарлича қисқа муддат ичида ўзгарган ва кучсиз тартиблаштирилган номенклатура ола-бўла, ҳар хил қийин ўрнатиловчи мантикий муносабатларга эга атамаларни гуруҳидан иборат.

Номенклатура учун синонимия ва омонимия хос бўлиб, айрим тадқиқотчилар ва расмий ташкилотларни интилишлари уни қатъий стандарлаштиришда мослаштириш масаласини биринчи ўринга олиб чиқди.

Хулоса қилиб айтганимизда замонавий дидактика ва мактабшунослик терминологиясидаги чет тил терминларини кўп сонда бўлиши шундан гувоҳлик берадики, терминларни ўзлаштириш орқали фанга чет эл педагогикаси ғоялари кенг жалб қилинади. Демак, Мактабшунослик терминологияси кенгайишининг асосий манбалари ривожига чет эл таълим тизимлари мисолларига маълум даражада боғлиқ бўлади.

Шу тарзда, таълим тизимини бошқаришни илгаридан мавжуд тизимини яратишга интилиш, давлатдаги барча ижтимоий жамоларда муносабатларни ўрнатишга таъсир кўрсатган ҳолда, ечимталаб бошқариш масалаларини характерини ўзгариши ва янги педагогик ғояларни юзага келиши таълимни бошқариш назарияси ва уни термин тизимини ривожига ўз ифодасини топа олади.

Адабиётлар:

1. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.
2. Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочивания иноязычных терминов и терминологических элементов / Д.С. Лотте. - Москва, 1982
3. Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1968.
4. Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
5. З.Календарова. Қорақолпоқ педагогикаси тушунча-терминология тизимини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик масалалари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими журнали. 2011 йил. 6-сон 71-73 бет.
6. Yaxshiyeva E'tibor Baxtiyorovna. O'zbek tilining pedagogik terminologiyasida ko'p ma'nolilik hodisasi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (2), 2023. 562-568.
7. Kalendarova Zaravshan Kalbaevna. Primary education - the foundation of general secondary and higher education. Kokand University "Education" Senior Lecturer of the Department. International Conference on Humanity, Education and Science London U.K December 15th 2021 conferencezone.org . 330-332.
8. Kalendarova Zarafshon Kalbaevna. Innovative model of shaping students' creative thinking skills in primary education in the process of creating problem situations and its content. Innovativ achievements in science 2022. Senior Lecturer, Department of Education, Kokand University, Kokand, Fergana region.